

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2016 йил 23 август • сешанба № 33 (1029)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz www.insonvaqonun.uz www.insonvaqonun.adliya.uz

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

### ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададди кучайтириш мақсадида:

1. 2016 йилнинг 1 октябидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,15 баравар оширилсин.
2. 2016 йилнинг 1 октябидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудиди энг кам: иш ҳақи — ойига 149 775 сўм; ёшга доир пенсиялар — ойига 292 940 сўм; болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 292 940 сўм; зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 179 755 сўм миқдориди белгилансин.
3. Белгиланган кўшимча, иш ҳақи ҳамда пенсияларга қўшилган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2016 йилнинг 1 октябидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.
4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Меҳнат вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошларини миқдорини мазкур Фармон қондаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Ҳужалик ҳисобиди қорхона ва ташкилотлар 2016 йилнинг 1 октябидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақиға мувофиқ, ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 26 августдаги ПФ-4751-сонли Фармони (6-банди истисно қилинган ҳолда) 2016 йилнинг 1 октябидан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2016 йил 22 август

## Муस्ताқиллик даврида

ҳуқуқий ислохотлар негизи



**МАЪЛУМКИ**, санокли қунлардан сўнг халқимиз Ватанимизнинг кўп асрлик шонли тарихида мутлақо энг давлат, янги жаҳмиат барпо этиш йўлини очиб берган буюк тарихий воқеа — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллигини муносиб нишонлайди. Бундан йигирма беш йил муқаддам юртимизда мустамлака зулми ва қарамлик даврига барҳам бериб, асрлар давомида халқимиз интилиб келган эркин ва озод ҳаёт қуриш йўлида тарихий тараққийнинг янги босқичига қадам қўйдик. Зеро, мустақил миллий давлат қуриш ҳар қандай миллат ва эллатга ҳам насиб этавормайди. Биринчидан, халқимиз ўз миллий давлатчилигига эга бўлган миллатлар сирасига кириш бахтига сазовор бўлди. Иккинчидан, жаҳонда номи мустақил бўлса-да, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан бошқа давлатларга қарам, ҳатто ўз чегараларини ҳам мустақил қўриқлай олмайдиган мамлакатлар ҳам йўқ эмаслиги сир эмас, албатта. Ўзбекистонимиз эса барча жиҳатдан ўз қаддини мустақкам тиклаб, келажак сари додил, собитқадамлик билан илдамламоқда.


Мустақилликка эришиш учун қанчадан-қанча қурбонлар берилганлиги, қандай қийин босқичлардан ўтилганлиги халқимиз учун сир эмас, албатта. Бунинг ёрқин далиллари ва мисолларини Президентимизнинг **“Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”**, деб номланган китобида келтирилган фактлардан билиб олишимиз мумкин.

Мустақиллик бизга ўзбек халқининг ажралмас ҳуқуқи — ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини берди. Бу ҳуқуқнинг моҳиятида адолат, тенглик ва эркинлик мужжасам. Мустақиллик — ўзбек халқининг иззатини жойига қўйиш имкониятини берди.

**САМАРҚАНД** ҳақида гап кетса, сўз аввалида бу шаҳар ер юзининг сайқали экани ҳақидаги таъриф тилга олинади. Бу бежиз эмас. Сабаби Самарқанднинг шонли солномаларида тартиб берилган зарҳал саҳифалар шунга асос беради. Утмиш шоирларидан бири: **“Самарқанд сайқали рўйи замин аст, бибинки равзаи ризвон ҳамин аст”** (Самарқанд ер юзининг сайқали, буюкликнинг бешиги шунда, бағрига боқ: ризвон боғларининг эшиги шунда), деган сатрларни битганида, ҳамма гапириб юрган гапларни шеърга кўчириб қўя қолмаган, балки келиб, кўриб — бу юртининг мафтункор манзараларидан таъсирланиб, сўнг қалам йўнган. Бир пайтлари Темур ва теурийлар салтанатининг пойтахти, жаҳоннинг илмий марказларидан бири сифатида донг таратган Самарқанд бугун ҳам жаҳон жамоатчилигининг назарида. Сабаби, Юртбошимиз таъбири билан айтганда: **“Самарқанд деганда, азалдан илму урфон бешиги бўлган, фан ва маданият, маънавият ва маърифат бугун ҳам юксак равнақ тапаётган нурафшон маконни тасаввур этамиз. Бу замин қадим-қадимдан ўзининг буюк санъати билан Самарқанд довуғини бугун оламга ёнган, жаҳон аҳлини ҳайратда қолдириб келаётган қўли гул усталар, моҳир хунармандлар юртидир. Самарқанд нафақат ўзининг буюк тарихи ва боқий ёдгорликлари, айни пайтда ўзининг баррикенг, меҳнатқаш ва меҳмондўст, бағрида юздан орттиқ миллат ва элат вакилларини мужжасам этган, ягона, аҳил оила бўлиб яшайдиган халқи билан бугун дунёга танилган”**.

Башарти, узоқ йиллар истибоддос исканжасида сиқилиб, оҳори тўкилиб борган бу шаҳарнинг сиёҳи Истиклол туйфайли аслиятига қайтди, қадимги шаклу шамойилига муносиб тарзда янгича кўрку тароват касб этди. Нафсиламбрини айтганда, муқояса асил манзарани тасаввур қилиш имконини беради. Шу боис Самарқанднинг мустақилликкача ва истиқлол йилларидаги манзарасини кеча ва бугун кесимида қиёслаш мақсадиға мувофиқ.

## Замин сайқали



## Қалбда фахр ҳисси жўшади

ДАВЛАТИМИЗ мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрами тобора яқинлашиб келмоқда. Бу қутлуғ ва шонли айём халқимиз учун янги тарихимизда энг улуг санандир. Шу қисқа даврда юртимизда оламшумул ишлар амалга оширилди. Ҳаётиимиз, тафаккуримиз тубдан ўзгарди. Ватан мустақиллигига, бугунги озод ва обод ҳаётимизга осонлик билан эришилмади, албатта. Бунинг замирида қанчадан-қанча машаққатлар, уйқусиз туналар, тинимсиз курашлар ётибди.

Мустақиллиқнинг дастлабки йилларида Юртбошимизнинг истиқлол моҳиятини тавсифлаган қуйидаги фикрларига эътиборингизни қаратмоқчиман:

**“Маънавий ҳаётимизда уйғониш юз берди. Тарихини тикладик. Она тилимизни англадик. Улуг боболаримиз руҳини шод этдик...”**

Удуларимиз, қадриятларимизга қайтдик. Юртимизга Наврўз кириб келди. Рамазон, Қурбон ҳайитларига етдик.

Динга муносабатимиз ўзгарди. Ўртадаги туншунмовчилик, қарама-қаршилик йўқолди. Бунинг ўрниға ҳамкорлик, ҳамжиҳатликка ўтдик...

Мустақиллик бизга нима беришини билардик. Ўз тақдиримиз, фарзандларимиз келажакни ўзимиз ҳал этиш имконига эга бўлдик. Ўз еримиз, бойликларимизга соҳиблик қила бошладик. Қисқа вақт ичида мустақиллиқнинг неъматларини таътиб кўрдик”.

Мустақиллик моҳиятини англаувчи бу теран фикрлар нечоғли чуқур заминга, маъно-мазмунга эгаллигини бугун ҳаётининг ўзи кўрсатиб турибди.

Утмишда собиқ марказ томонидан фақат хомаш ётказиб беришга, пахта яқхоқимчилигига асосланган бирёқлама сиёсатнинг таъсирда ҳолоқ ва ноҳор ўлкаға айлланиб қолган юртимиздаги чорак асрлик бугунги кунимизни қиёслайдиган бўлсақ “ер билан осмонча” фарқ борлигини кузатиш мумкин.

Катта авлод вакиллари яҳши билади. Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари. Ешу қари биргаликда далада, пахта териш билан овора. Болалар мактабга бориш ўрниға бепоён дори сепилган далада. Бешиқдаги чақалоғу, кечагина туғуруқонадан чиққан ёш она ҳам пахта йиғим-теримида. Бу болаларнинг эртаси ҳам, индини ҳам келажакни ҳам пахта териш, плани бажариш эди. Ота-она ҳорғин, ишдан эзгинда қиёфада уйға қайтади. Болалар эртат эшитишга зору, бироқ замбил юк елкасига ортилгандек, кўзларини пирпиратиб-пирпиратиб ухлаб қолади. Ешларда бугунгидек тил ўрганишим, билим олишим, ўйлашга киришим керак ёки шахсий бизнесимни йўлга қўйишим керак, деган хаёл йўқ. Фақат терим режасини бажариш фикри сингдирилган эди.

Бугун-чи, бугун бошқача. Болалар онаси қорнидаёқ давлатимиз эътиборида. Она ва бола соғлиғи доимий назоратда. Фарзандларимиз кўзида ишонч бор. Мустақил фикр бор. Бугунги ёшлар биздан янада кучли. Улар замон билан буйлашиб, жаҳонни лол эта олаётти. Хорижий асарларни аслиятдан ўқиб, таржима қилаётти. Кўп жиҳатлари билан ҳатто бизга-да ўрнақ бўлаётти.

Истиклол нафақат халқимиз қаддини тик қилди, балки юртимиз, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасини ҳам тубдан ўзгартирди. Айниқса, Андижон шаҳрида кейинги йилларда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари туйфайли шаҳар таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Замоनावий тарзда барпо этилган янги тураржой бинолари, кенг ва равон йўллар, таълим, тиббиёт муассасалари, муҳташам маданият ва спорт мажмуалари, стадионлар, боғ ва хиёбонлар шаҳар қиёфасига ўзгача кўрк бағишламоқда.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, **“...кимки бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган улкан ўзгаришларни кўрмоқчи, улардан тиклаб ҳабардор бўлмоқчи бўлса, биринчи галда Андижонга келсин, ўзини андижонлик деб атайдиган одамларнинг меҳнати, ҳаёти, бугунги ютуқлари билан яқиндан танишин”**.

Андижонликлар мустақиллиқнинг дастлабки йилларида ноқил ибратли ташаббуслари, янгиликка интилувчанлиги ва бунёдкорлик салоҳияти билан алоҳида эътиборга сазовор бўлиб келмоқда. Айтайлик, тўрт тарафдан ҳам кириш мумкин бўлган “Бахт уйи” биносини Андижонда учратасиз. Шунингдек, шаҳарни гулу гулзорға айлантириш ҳам андижонликларнинг фикри. Ёки қишлоқ ҳўжалиги соҳасини олайлик. Ҳўзани парвариллаш, сувдан самарали фойдаланиш бўйича “Андижон тажрибаси” кўп эътироф этилган.

Яна бир ҳузурбахш ҳайратлардан бири — Ангрено-Поп электрлаштирилган темирйўлининг ишға тўширилшидир. Мазкур электрлаштирилган темирйўли мамлакатимиз тараққийи ва фаровонлигининг янада юксалишида алоҳида аҳамият касб этди.

Улкан темирйўл қурилиши ҳудуд инфратузилмасини тубдан ўзгартирмоқда. Юрт кўркиға кўрк қўшадиған муҳташам қошоналар қад ростламоқда. Андижон темирйўл вокзалининг замоनावий биносини кўрган кишининг ақли шошади.

Очигини айтганда, 19 километрлик ерости йўли қуриш, тоғлар оша темир излар ётқизиш жаҳон тажрибасида ҳам ноёб ва мураккаб ҳодиса ҳисобланади. Айниқса, янги иш ўринлари очил, инфратузилма ҳамда туризмни ривожлантиришдаги ишларни ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайд.

Андижоннинг кеча ва бугун ҳақида гапирганда яна бир нарсани эътироф этмасак бўлмас. Илгарилари кўчаларда машиналарнинг қатнов ҳаракати жуда сийрак эди. Бирон жойға бориш учун соатлаб уллов кутишға тўғри келарди. Бир кўчада икки ёки учта, боринки, 4 та машина бўларди. Бугун-чи, машиналар ҳар бир кўчада эмас, ҳар бир хонадонда икки-учталаб турибди. Мамлакатимизда нафақат энгил машиналар, қолаверса, юк кўтариш ҳамда йўловчи ташишға мўлжалланган автоуловлар ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Асака эса ишлаб чиқариш ҳажми ва иқтисодийдаги ўрни билан мамлакатимиз автосаноатидаги марказға айланди. Ўзбек автомобиллари чет мамлакатларда ҳам тобора харидорғир бўлиб бормоқда. Қувонарлиси, мураккаб дастгоҳ ва техникаларни ўзимизнинг ёшлар бошқараяпти.

Хулоса ўрнида давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, Андижон ҳақида, бу гўзал юртининг қадимий тарихи, бу ерда яшайдиган одамларнинг ноёб фазилатларға эга экани, мардлиги ва вафодорлиги, ташаббускор ва изланувчанлиги ҳақида кўп гапириш мумкин. Андижонликлар том маънода бунёдкордир. Ерини, табиатини севади. Дўпписида сув ташиб бўлса ҳам дарахт қўқартиради...

Иброҳимжон ТУРГУНОВ,  
Андижон вилоят адлия бошқармаси бошлиғи





✓ **Фахрийлар — фахримиз**

# Мазмунли умр

**инсон ҳаётига зийнат бағишлайди**

БИР кекса донишманддан сўрашди. — Мана, сиз салкам юз ёш яшадигиз. Ўтган умрингиздан розимисиз?

— Розиман, деб жавоб берибди кекса донишманд. — Оқил фарзандлар тарбияладим. Илмли шогирдларни вояга етказдим. Улар юрт қорига ярапти. Бир боғ бунёд қилдим. Ўтган-кетган унинг мевасидан баҳраманд бўлаяпти, дебди.

Яхши, оқил одамлар умрлари давоми боғ яради, гўзал иморатлар яради.

Қахрамонимиз Кучкун Мамбетов ҳам ана шундай элпарвар инсонлардан. Бу инсон ҳаётда ўз севган касби иқтисодчилик этагини тутди. Кам бўлмади, ҳамкасблари, шогирдлари орасида обрў топди.

— 1967 йил Тошкент халқ хўжалиги институтини битиргач, иш фаолиятини Оққўрғон туман бўлимига қарашли давлат банкнинг бухгалтерия бўлимида иқтисодчиликдан бошладим, — дейди

Кучкун ака. — Турли ташкилотларда иқтисодчи, бош ҳисобчи лавозимларида ишладим. Қасбимга меҳр кўйдим. Энг асосийси, қасбимга хиёнат қилмай яшадим.

Қилинган ҳалол хизмат ҳамиша ўз қадрини топади. 2000 йил Кучкун ака Адлия вазирлиги Марказий бухгалтериясига бош ҳисобчи вазифасига тайинланди. Ўзига бириктирилган масъулиятли вазифада Кучкун ака ҳалол ишлади. Жамоа ишончини оқлади. Бугун у кишининг ишларини шогирдлари давом эттирмоқда.

У кишининг қайси бир шогирди билан суҳбатлашманг, — "Устознинг босиб ўтган ҳаёт йўли барча учун ибратли", — дейди.

Етмиш ёш улуг ва мўътабар ёш. Инсон бу ёшда катта ҳаёт тажрибасига эга бўлади, умрининг паст-баланд йўлини босиб ўтади.

Яқинда Адлия вазирлиги раҳбарияти Кучкун акани табарруқ ёши билан қўтлади.

Инсон қаерда ва қандай лавозимда хизмат қилмасин, мудом қатъият билан иш юритишга, ташаббускорлик ва янгиликка интилувчанлик туфайли жамоатчилик ўртасида обрў-эътибор қозонади.

Зеро, инсонлар ордидан қолаётган из унинг умрига мазмун бағишлаб туради. Эл-юрт олдидаги фидойилиги ёшларимизни мустақил Ватанимизга содиқ фарзанд этиб тарбиялашда намуна бўлиши шубҳасиз.

Бугунги мунавар кунлар шукронасида у кишига шундай деймиз: "Юзлаб шогирдлар эътироми, фарзандлар, неваралар ардоғида 70 ёшни қаршиламқасиз. Ушбу кутлуғ сана билан яна бир бор табриклаб, сизга узоқ умр, хонадонингизга тинчлик-осойишталик, файз-барака тилаймиз..."

**Эрмухаммад ШЕРМАТОВ,**  
Адлия вазирлиги  
Фахрийлар  
Кенгаши раиси

✓ **Шукроналик**

# Бирни кўриб фикр қил...

...ТИЖОРАТ йўли билан Бирлашган Араб Амирлигига борган ватандошимиздан ўша ерлик боёнлардан бири:  
— Сен қаерликсан ўзи? Оиланг, бола-чақанг, ҳовли-жойинг борми? — деб сўраб қолибди.

Юртдошимиз Ўзбекистонимизни, ўзи туғилиб ўсган гўзал водийни, сўлим қишлоғини, сўнг ҳовли-жойини таърифлаб кетибди:

— Саккиз сотихли ҳовлим, олти хонали уйим, икки ўғил, бир қизим бор. Ҳовлимизнинг ўртасидан ўтган ариқда қишин-ёзин зилол сув оқади. Иморатимизнинг атрофи тоқ сўри. Уч-тўрт тупдан гилос, ўрик, олма, нок, анжир, анор... экиб қўйганман. Машинам, бир сигир, икки бузоқ, тўрт-беш қўйим бор...

— Рост гапиряпсанми, ёлғонми? — дебди хўжайин унинг гапини шарт кесиб. — Ахир, бу нарсалар жаннатдагина бўлади-ку! Бу — биринчидан, иккинчидан, шунча ноз-неъматга эга имкониятни, жаннатдай Ватанингни ташлаб, нима қилиб бу қўп-қуруқ, жазирама юртларда санқиб юрибсан?..

Халқимиз толиб айтган, давр ва тарихнинг минг чиғиригидан ўтган, товланиб онгу шууримизга сингиб кетган шундай мақоллари борки, уларни эшитганда ҳаётдаги турфа воқеалар бирма-бир кўз олдимизга келади. "Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил", мақолини яхши биламиз. Бу мақол муқаддас гўша — Ватан, туғилган юрт ҳақидаги мулоҳазаларимизни янада бойитиб, "Кеча ким эдигу бугун ким бўлдиқ?", деган савол қаршисидаги жавобларни янада ойдинлаштиради.

Бундай ҳаётий гаплардан яна қанчасини қаторлаштириб айтишимиз мумкин. Ватанимиз ҳақидаги ўйлар қалбимизда шукроналик, ифтихор туйғуларини янада мустаҳкамлайди, албатта. Шукроналик — бу юксак маънавиятнинг асосий белгисидир.

Қўлга киритган улкан натижаларимизни бутун дунё тан оляпти. Халқаро майдонда мамлакатимиз обрў-эътибори тобора ортиб, у ўзига муносиб ўрин эгаллаб олаётир. Халқимизнинг дунёқарши, одамларимизнинг сиёсий онги ва тафаккури ўзгариб, фуқаролик фаоллиги тобора кучайиб бораётгани бу ютуқларга асосий омил бўлмоқда.

Халқимиз ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигига эришган санасини муқаддас билиб, муносиб тарзда катта тантаналар билан кенг нишонлайди. Чунки бу бизнинг энг улуг, энг азиз байрамимиз ҳисобланади.

Ҳар йили мамлакатимизда бу байрамни унинг мазмун-моҳиятини теран ифодалайдиган улуг бир эътироф билан ўтказиш ўзига хос анъанага айланиб улгурди. Бу йилги қалб эътирофи "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" деб номланди. Ҳар йили шу байрам муносабати билан босиб ўтган йўлимизни, амалга оширган ишларимизни бирсидра сарҳисоб қилиб оламиз, бундай ютуқ ва марраларга қандай оғир ва машаққатли меҳнатлар эвазига эришганимизни яна бир қарра кўз ўнгимиздан ўтказамиз.

**Искандар МЕЛИБОЕВ,**  
Фаллаорол туман 2-сон давлат  
нотариал идораси нотариуси

**Эълонлар**

Тошкент давлат юридик университетининг 2014-2015 ўқув йили битирувчиси бўлган фуқаро Шарофов Музаффар Абдуносирович номига берилган рўйхат рақами 833872-сон бакалавр даражаси дипломи бекор қилинганлиги маълум қилинади.

Сирдарё вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 10 августдаги буйруғига асосан адвокат Алимов Муратқон Умархонович "UMAR-TQJ-NUR" адвокатлик бюросидан ишдан бўшаганлиги сабабли унинг адвокат мақомининг амал қилиши бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил эттунига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар бўлган давргача тўхтатилади.

Хоразм вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 8 августдаги 212-ум-сонли буйруғига асосан "Komil-Jumaturrot" адвокатлик бюроси адвокати Комилбой Жумамуратовга бошқарма томонидан 2010 йил 28 майда НЗ 000103 рақам билан берилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ҳамда адвокат мақоми тугатилди.

Бухоро вилоят адлия бошқармаси томонидан "Адвокатура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ адвокат Ubaydullayev Alisher Ibdulloevich (Убайдуллаев Алишер Ибодуллоевич)га Бухоро туманида янги "ARMADA CONSULT" адвокатлик бюросини таъсис этиши муносабати билан Бухоро вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 11 августдаги буйруғига асосан адвокатлик мақоми берилди.

Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 5 августдаги 320-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги "SHAFQAT" адвокатлик фирмасининг адвокати Мардонов Ачил Исмаилович адвокатлик мақоми тўхтатиб турилган 3 ой давомида адвокатлик фаолиятига киришмаганлиги сабабли унинг номига бошқарма томонидан 2009 йил 8 июнда берилган SA 000100-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва унинг адвокатлик мақоми тугатилди.

Андижон вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 12 августдаги 269-ум-сонли буйруғига асосан Бўз туманидаги "Шўла плюс имкон" адвокатлик фирмаси адвокати Розиков Мўминқон Қаюмовичга бошқарма томонидан 2009 йил 28 майда берилган AN №000021 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

**Реклама**

**Ҳурматли юртдошлар!**

## "Асака" банк

**яқинлашиб келаётган "Мустақиллик куни" байрами муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:**

### "МУСТАҚИЛЛИК — 25"

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 7 ой бўлиб, омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.



Шу билан биргаликда, "Асака" банк миллий валютада 28 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефонлар	Филиаллар	Код	Телефонлар
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	227-15-68
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сирғали филиали	371	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	223-60-74	Афросиёб филиали	366	221-71-76
Асака филиали	374	233-21-99	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-96-63	Сурхондарё вилоят филиали	376	720-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтиариқ филиали	373	432-19-80	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Кўкон филиали	373	542-61-01	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

**Сизнинг омонатларингиз:**

- солиқ ва мажбурий тўловлардан озод!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- миқдори чекланмаган!

**"Асака" банк — сармоянгиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!**

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган.

**Муустақиллик байрами муборак бўлсин, азиз юртдошлар!**

**"Агробанк" АТБ жамоаси Юртдошларимизни Муустақиллигимизнинг 25 йиллик байрами билан самимий қўтлайди. Ватанимиз ҳамиша тинч ва осуда, халқимиз ҳаёти бундан фаровон бўлишини тилаган ҳолда байрам тўхфаси сифатида "Истиқлол — 25" номли омонат турини таклиф этади.**

www.agrobank.uz  
тел. (+99871) 203 88 88

**AGROBANK**

Хизматлар лицензияланган